O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR YANGI NAMANGAN TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 15 - iyul 345-6-222-Q/22 Yangi Namangan tuman hokimligi

Янги Наманган туманидаги қабристонларда қабр қовлаш хизмати тарифларини тасдиқлаш хақида

Туман ҳокимлигининг молия бўлими ва туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан Янги Наманган тумандаги кабристонларда қабр қовлаш хизмати тарифларини белгилаш бўйича тақдим қилинган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақидаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва кабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янги Наманган тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан тумандаги қабристонларда қабр қовлаш хизмати тарифлари қуйидагича:

14 ёшгача бўлган болалар учун қабр қовлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 30 фоизи;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун қабр қовлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 40 фоизи;

18 ёшдан юқори бўлган шахслар учун қабр қовлаш тарифи базавий хисоблаш миқдорининг 60 фоизи этиб белгилансин.

2. Янги Наманган тумани Ободонлаштириш бошқармаси

(Ж.Аҳмедов)га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 101-сон карори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари ижросини таъминлаш ҳамда қабр ковлаш хизматидан тушган маблағлар ишчи-хизматчиларининг иш хақи учун йўналтирилсин.

3. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (А.Саттаров)га мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорининг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Рахимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Абдуллаев**